



# O'ZBEKISTON OVOZI

2011-yil, 17-fevral. Payshanba 21 (31.297) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

## Аҳиллик ва фаровонлик маҳалладан бошланади

■ Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлис палаталари кўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида маҳалла институти фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш борасидаги долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Пойтахтимизда ёшлар тарбияси билан шугулланиш самарадорлигини оширишда маҳалла фуқаролар йиғинлари раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг ўрни ва вазифаларига бағишланган ўқув-семинарда шулар ҳусусида сўз юритилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, Республика «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ўқув-семинарда тегишли вазирлик, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳуқуқшунослар, психологлар, тиббиёт ходимлари, пойтахтимиз маҳаллаларидаги маслаҳатчилар иштирок этди.

Республика «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдурахимова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши ва меҳнат қилиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш борасида кенг қўламли ишлар амалга ошириладиганини таъкидлади. Маҳаллаларда соғлом муҳитни қарор топтиришга диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳам муносиб ҳисса қўшаётди.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармониغا биноан юртимиздаги барча маҳалла, қишлоқ ва овулларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг ўрни ва вазифаларига бағишланган ўқув-семинарда шулар ҳусусида сўз юритилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, Республика «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ўқув-семинарда тегишли вазирлик, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳуқуқшунослар, психологлар, тиббиёт ходимлари, пойтахтимиз маҳаллаларидаги маслаҳатчилар иштирок этди.

лоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият кўрсатмоқда. Бу лавозимга катта билим ва ҳаётий тажрибага эга, эл-юртда обрў-эътибор топган фаол аёлларнинг жалб этилгани миллий кадрларимиз бардавомлигини таъминлаш, ёшларни эзгу-ғоялар асосида камолга етказиш, оқилоллик ва ўзаро аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур семинар ҳам диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолиятини такомиллаштириш, пировардида йигит-қизларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, маънавияти ва тафаккурини юксалтириш, истеъдоди ва салоҳиятини юзага чиқариш учун кенг имкониятлар яратишдек эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Бугунги глобаллашув шароити ёшлар тарбиясига доимо оғош ва ҳушёр бўлишни, мафқуравий таҳдидларга жиддий ёндашушни талаб қилмоқда. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, бандликни таъминлаш, ҳар бир киши, айниқса, ёшни фойдаланишга жалб қилиш ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Уч кун давом этган ўқув-семинарда глобаллашув жараёнида ахборот хуружларининг ёшлар маънавиятига таъсири, одам савдоси, гиёҳвандлик, юқумли кас-талликлар, аёллар ва ёшларнинг спиритли ичимлик ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишининг зарарли оқибатлари, ёшлар ва хотин-қизларни «оммавий даваният» таҳдидларидан ҳимоялашнинг самарали усуллари, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш, янги иш ўринлари яратишга оид масалалар юзасидан маърузалар тингланди.

Назозат УСМОНОВА,  
ЎЗА МУХБИРИ

## ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати



## Амалий ишларимиз кўпайса одамлар бизга эргашади

■ Президентимиз Олий Мажлис палаталари кўшма мажлисида илгари сурган Концепция ҳамда 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда ЎзХДП ташкилотлари ҳамда депутатларимиз иштироки масаласига бағишланган давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Кун кеча ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан ана шундай тадбирлардан бири Гулистон шаҳрида ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси,

партия Марказий Кенгаши аъзолари ва экспертлари, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларидаги ХДП депутатлик тузилмалари раҳбарлари, партиянинг шаҳар ва туман

кенгашлари раислари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари етакчилари қатнашди.

Вилоят партия кенгаши раиси, вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Алишер Тошматов Концепцияда илгари сурилган гоя ва ташаббусларни амалга ошириш партияимиз олдида ҳам жиддий вазифалар кўйганини таъкидлади. Айтиш жоизки, бу вазифалар партияимиз электоратининг ҳаётий манфаатларига гоята мосдир. Шунинг учун ҳам Концепцияни босқичма-босқич амалга оширишда фаол иштирок эти-

шимиз лозим.

Шундан сўнг ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева Концепцияни амалга ошириш бўйича партиянинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларга тўхталди. У ҳар бир вазифанинг ижроси партиянинг маҳаллий ташкилотлари, депутатлар ташаббускорлиги ва масъулиятни чуқур ҳис этиб, астойдил ишлашига бевосита боғлиқ эканини таъкидлади.

⇒ 2

## Эътироф

Сайёҳлик бозори турли-туман сермазмун ва мароқли тақлифларга ниҳоятда бой. Рақобат ҳам шунга яраша. Гарчи шундай бўлса-да, Европада Ўзбекистонга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Бу диёрнинг бутун жозибаси ва тарихий шаҳарларини ўз кўзи билан кўришга орзуманд инсонлар сони кун сайин кўпаймоқда. Ўзбекистонни Буюк ипак йўлининг юраги деб аташди. Бу бежиз эмас. Мамлакатимиздаги бетақрор маданий-тарихий ёдгорликларга бой Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва Тошкент каби қадимий шаҳарлар йил сайин чирой очиб, кўпдан-кўп сайёҳларни ўзига маҳлиё этмоқда.

Жорен ВИНКЕН,  
«Joker Каар» сайёҳлик компанияси бошқарувчиси (Бельгия)

## Янгиликлар

### Замонавий уй-жойлар

Деҳқонobod тумани «Бешбулок» маҳалла фуқаролар йиғини худудида 20 та замонавий уй-жой қуриб, фойдаланишга топширди. Бу ерда жами 1 миллиард 277 миллион сўмлик қурилиш-тиклаш ишлари амалга оширилди.

### Даволаниш учун Германияга

■ Тошкент Халқаро аэропортидан бир гуруҳ болалар нуфузли клиникаларда даволаниш учун Германияга жўнаб кетди.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Германиянинг «Фриденсдорф Интернейшнл» халқаро ташкилоти билан имзоланган ҳамкорлик битими доирасида ўтган йили 12 ёшгача бўлган бир гуруҳ бемор болалар Германия клиникаларига даволаниш учун юборилган эди. 9 нафар бола саломатлигини тиклаб, ота-онаси бағрига қайтди. Яна 19 нафар бола даволанишни давом эттиряпти.

Лойиҳа доирасида бу гал беш нафар бола Германияга жўнатилди.

### Ноанъанавий танлов

■ Андижон вилояти ҳокимлиги «Энг яхши касб-ҳунар коллежи» «Энг яхши лицей» ва «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» танловларини эълон қилди.

Ўқитувчилар ўртасида ўтказилаётган танловда асосий эътибор ўқув жараёнлари, иқтидорлиларни излаш, корхона ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик, ишлаб чиқариш амалиётини такомиллаштириш борасида қилинган ишлар ва уларнинг натижаларига қаратилади.

## Ватан ҳимояси — олий шараф



## Тинчлигимиз қалқонлари

■ Тошкент вилоят мудофаа ишлари бошқармаси йиғув пунктида чақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга жўнатиш тадбири бўлиб ўтди.

Бу ерга йиғилган жамоатчилик вакиллари, ота-оналар йигитларга оқ йўл тилалди. Чақирилувчиларга эсдалик совғалари топширилди. Байрам дастурхони, концерт уюштирилди. Ватан ҳимоячилари эл-юрт ардоғида эканлиги эътироф этилди. Фарзандларини ҳарбий хизматга жўнатаётган ота-

оналарнинг юз-кўзида ҳаяжон.

— Бу ерга ўғлимиз Алимардонни кузатгани онаси ва опа-сингиллари билан келдик, — дейди чинозлик Алимхаммад Бобоназаров. — Аслида армия — катта мактаб. Ана шу мактаб сабоғини олганлар кам бўлмайди.

— Биз Куйичирчиқ туманидан бўламиз, — деди Имом Тошкенбоев. — Ўғлим энгил саноат касб-ҳунар коллежини битириб, энди армияга кетяпти. Биз бундан жуда хурсандимиз.

Ҳарбий хизматга отланган йигитларимиз эса Ватан ҳимояси — олий шараф экани, бундай катта ишончга муносиб бўлишга ҳаракат қилишларини айтишди.

Равшан ШОДИЕВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## Озиқ-овқат мустақиллиги

давлатнинг мустаҳкам таянчи

■ Дунё аҳлининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи йил сайин ортиб бормоқда. Аҳолининг муттасил ўсиши, глобал иқлим ўзгариши ва экологик муаммолар оқибатида кўплаб мамлакатлар иқтисодиётига жиддий зарар етмоқда. Жаҳон аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи тобора катта муаммага айланаяпти.

⇒ 3

ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши диққатига!

Ўзибўларчилик қачонгача давом этади? ⇒ 2

ЎзХДП электорат манфаати

Фарғона: касаначилик ривожланмоқда ⇒ 3

Мулоҳаза учун мавзу

Ким ўзарга тўй... ⇒ 4

ёки ортиқча дабдаба-ю, исрофгарчиликлар ҳақида ⇒ 4

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ 15 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1667,67	1 Миср фунти	282,58	1 СДР	2580,96	10 Жанубий Корея вони	14,78
1 Англия фунт стерлинги	2667,25	1 Канада доллари	1684,79	1 Туркия лираси	1046,11	10 Япония иенаси	199,58
1 БАА дирҳами	452,17	1 Хитой юани	251,83	1 Швейцария франки	1708,36	1 Россия рубли	56,64
1 АҚШ доллари	1660,70	1 Малайзия ринггити	544,22	1 Евро	2263,07	1 Украина гривнаси	209,05

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



Хизматлар лицензияланган

ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши диққатига!

# Ўзибўларчилик қачонгача давом этади?

■ Партия кенгаши ишида ўзибўларчиликка йўл қўйилгани, электрорат манфаатига қаратилган ташаббус йўқлиги сабабли ЎзХДП Шўманой туман кенгаши раиси Ажиниёз Сайтжанов ўз лавозимидан озод этилган эди. Ўтган йилнинг баҳоридан катта умидлар билан унинг ўрнига Қувват Оразимбетов етакчи этиб сайланди.

Мана, орадан маълум муддат ўтди. Ҳўш, янги раҳбар ўз вазифасини қандай удаламоқда? Ташкилий пленумда зиммасига юкланган масъулиятни адо этаётганими? Туман партия ташкилотининг фаолияти бугунги кун талабига жавоб берадими?

Шу каби саволларга жавоб олиш мақсадида Шўманой туманида бўлди. Партия кенгаши раиси билан партиявий-ташкилий ишлар ҳақида суҳбат қилдик. Аввало, туман партия кенгаши ижроия кўмитаси фаолияти билан қизиқдик. Афсуски, ижроия кўмита ўтказган

йиғилишлар ва муҳокама қилинган масалалар юзасидан кенгаш етакчиси мақтовга лойиқ бўлган ян нарса дея олмади.

— Ўзбекистон ХДПдан туман Кенгашига сайланган депутатлар фаолияти ҳақида нима дея olasiz?

— Бу ҳақда депутатлик гуруҳи раҳбари Уринбосар Ерлепесов айтиб бериши мумкин, — деди у.

Ақжал овул фуқаролар йиғини раиси, туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Уринбосар Ерлепесов бизга депутатлик гуруҳи фаолияти ҳақида гапириб берди. Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари доимий комиссияси раҳбари сифатида қилаётган ишларидан мисоллар келтирди.

Партияимизнинг яна бир вакили Генжебай Атаниязов Аграр, сув ҳўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари доимий комиссиясига раҳбарлик қилмоқда. Фаол депутатлар доимий комиссиялар йиғилишлари, сессияларда сўзга чиққанда, аҳоли вакиллари билан учрашувларда электрорат манфаатларини инобатга олиб, ҳаракат қилмоқда, ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини

билдирмоқда. Депутатлик гуруҳи фаолияти билан танишар эканмиз, Уринбосар Ерлепесов раҳбарлигида гуруҳ қатор ишларни амалга ошираётганига гувоҳ бўлдик.

Бирок туман партия кенгашидаги ишлар ҳақида ўзда-жўлда, ўзгариш йўқ. Партия электрорати манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар етарли даражада сезилмапти.

**Жамоатчилик қабулхоналарининг 2011 йилдаги фаолияти ҳақида тўлақонли маълумот ололмадик. Фуқаролар қандай масалалар юзасидан мурожаат қилаяпти, нисалар уларни кўпроқ ташвишлантиряпти, булар мониторинги тизими йўлга қўйилмаган. Туман марказидан ўзоқда жойлашган аҳолининг талаб ва эhtiжларини ўрганиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида кўчма жамоатчилик қабулхоналари ташкил этиш борасидаги ишлар тўлиқ йўлга қўйилмаган.**

Туманда 35 та бошланғич ташкилот бўлиб, уларнинг раислари ва фаол партия аъзолари билан бирга семинар-тренинглар, сиёсий ўқувлар ташкил этишни ҳам бугунги кун талаблари даражасида деб бўлмайдми. Янги иш жойлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш борасида ҳам қатор камчиликлар мавжуд.

Туман партия кенгаши фаолиятини ўрганиб, шунга амин бўлдики, Қувват Оразимбетов пленумда унга партиядошлар билдирган ишончга беписандлик билан қараб, ишни эскича усулда давом эттирмоқда. Бўлса бўлар, бўлмаса гўялар кетар... Ишга муносабат шу бўлгач, ҳўш, нимага эришиш мумкин? Бугун замон биздан нимани талаб қилаяпти-ю, биз унга қандай жавоб бераемиз? Куруқ гап билан одамлар ишончини қозона оламизми? Навбатдаги сайловларда электроратимизнинг фаол қўллаб-қувватлашига эришамизми? ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши бу масалани жиддий ўйлаб кўради, деган умиддамиз.

**Рейсбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида



Азаматжон ТОШМАТОВ олган сурат.

# Депутатлар фаолиги

партия Сайловолди дастури амалга ошишининг гаровидир

■ Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят кенгаши «Депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш» мавзусида семинар ташкил этди.

Унда маҳаллий Кенгашлардаги партияимиз депутатлик гуруҳларининг фаолиятини такомиллаштириш, электрорат манфаатини ҳимоялашга доир ҳаракатни қўчайтириш, бунда депутатлик ваколатларидан самарали фойдаланиш йўллари ва усуллари ҳақида сўз борди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудирини Боймурод Юсупов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Улуғбек Ҳожибеков, вилоят партия кенгаши раиси Мухаммадҷон Йўлдошев депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутати мақоми, депутатлик гуруҳлари билан партия кенгашлари ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масалалари ҳақида атрофлича фикр юритишди. Айрим депутатлар талаб даражасида фаолият юритмаётгани, қонунларда белгиланган ҳуқуқлардан етарли фойдаланмаётгани электрорат манфаатини ифода этишга қаратилган ишларимизга салбий таъсир этаётгани таъкидланди. Баъзи маҳаллий партия ташкилотларининг ЎзХДП Ҳаракат дастурини бажариш борасидаги ишларини янада такомиллаштириши зарурлиги айтилди.

**Абдумулиаб АБДУЛЛАЕВ, «Андижоннома» ва «Андижанская правда» газеталари бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари, вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари.**

— Юртбошимиз илгари сурган Концепцияни амалга ошириш маҳаллий Кенгашлар депутатлари зиммасига катта масъулият юклайди. Биз унинг ижросини таъминлашда фаол қатнашиб, шу орқали партияимиз электрорати манфаатини ҳам таъминлашимиз мумкин. Бир қарашда, кўнгилдагидек ишлаётганга ўхшаймиз. Талабчанлик билан баҳолаганда эса депутатлар янада фаол бўлиши зарурлиги ойдинлашади. Қандай ишларни бажардик? Қўлиб кетган масалаларни қачон ҳал этаемиз? Бу саволлар барчамизни ташвишга солиши керак.

**Зулхумор КАРИМОВА, ЎзХДП Қўрғонтепа туман кенгаши раиси.** — Туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳимиз биз билан ҳамжиҳатликда иш олиб борди. Шу боис Жамоатчилик қабулхонасига тушган мурожаатларда кўтарилган қатор муаммолар депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутати мақоми, депутатлик гуруҳлари билан партия кенгашлари ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масалалари ҳақида атрофлича фикр юритишди. Айрим депутатлар талаб даражасида фаолият юритмаётгани, қонунларда белгиланган ҳуқуқлардан етарли фойдаланмаётгани электрорат манфаатини ифода этишга қаратилган ишларимизга салбий таъсир этаётгани таъкидланди. Баъзи маҳаллий партия ташкилотларининг ЎзХДП Ҳаракат дастурини бажариш борасидаги ишларини янада такомиллаштириши зарурлиги айтилди.

**Кумрихон ХўҲАЕВА, ЎзХДП Избоскан туман кенгаши раиси, туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари.**

— Семинар кўпчиликнинг фикр-мулоҳазаларини тинглаш ва тажриба алмашишга имкон яратди. Тегишли ҳулоса чиқардик. Партияимизнинг Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун ҳудудий шарт-шароит, ҳар қандай туман ва шаҳарнинг кўзиб кўриш муаммоларидан хабар қилиб, партия кенгаши ва депутатлик гуруҳи ўз иш услубини такомиллаштириб бориши зарур. Ўзаро тажриба алмашуви мунтазам йўлга қўйиш депутатлик гуруҳлари электрорат манфаатини ҳимоя қилиш борасида самарали ишларини таъминлашга хизмат қилади.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Амалий ишларимиз кўпайса

одамлар бизга эргашади

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Шундан келиб чиқиб, биз партия тизимидаги сиёсий ва фуқаролик маърифати ўқувларини бундан буён асосан минтақаларда, вилоят, шаҳар ва туманларда ўтказишга қарор қилдик, — деди нотик. — Бундай кўчма ўқувлар электрорат вакиллари билан яқин мулоқотда бўлиш, уларнинг турмуш тарзи ва фикр-мулоҳазаларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, жойларда иқтисодий ўқувларни йўлга қўйиш ҳаракатини бошладик. Дастлабки ўқув яқинда Тошкент вилоятининг Қибрай туманида ўтказилди. Айтиш мумкинки, у қутилганидан кўпроқ самара берди. Хусусан, партияимиз аъзоси бўлган, касаначи, хунарманд, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётган ўнлаб кишилар, хайрихоҳлар, электроратимиз вакиллари ўз бизнесларини бошлаши учун микрокредит олишига амалий ёрдам кўрса-

тилди, йўл-йўриқлар берилди. Энг муҳими, бундай тадбирлар аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга хизмат қилади. Бугун барчамизнинг ҳаётий манфаатларимизга мос вазифаларни амалга оширишда фаолларимиз, депутатларимиз, маҳаллий партия ташкилотларининг иштироки қандай бўлиши кераклиги, бу борада нималарга эътибор бериш зарурлиги ҳақида фикрлашиб олишимиз лозим. Ташаббус ва таклифлар қўйдан чиқса, яна ҳам ҳаётий бўлади, электрорат манфаатига мос тушади.

Ўқувда касб-хунар коллежлари битирувчилари, айниқса, педагогика коллежи битирувчиларини мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлаш, жойларда бандлик дастурини бажариш, маҳалларда электроратимиз ҳаётий манфаатларига дахлдор масалаларни ўрганиш, бошланғич ташкилотлар фаолиятини жонлантириш билан боғлиқ масалалар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бу борадаги савол-

**Мавжуд муаммолар, уларни вақтида аниқлаш, ечимини топиш, ҳал этиш, аввало, ўзимизга, партия фаоллари, депутатлар саъй-ҳаракати, масалаларга лоқайд муносабатда бўлмасдан фаоллик, ташаббус кўрсатишга боғлиқ.**

ларга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Аҳад Аҳмедов ва Саидвали Аҳмедов жавоб берди. Шунингдек, улар қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш жараёнида аҳолидан тушган амалий таклифлар инобатга олиниши ҳақида сўз юритишди.



Давра суҳбати иштирокчилари мавжуд муаммолар, уларни вақтида аниқлаш, ечимини топиш, ҳал этиш, аввало, ўзимизга, партия фаоллари, депутатлар саъй-ҳаракати, масалаларга лоқайд муносабатда бўлмасдан фаоллик, ташаббус кўрсатишга боғлиқ, деган хулосага келдилар.

Ўқув сўнггида Гулистон давлат университети кафедра мудирини, партия фаоли Уғиллой Эрбўтаевдан машғулот ҳақидаги фикрини сўрадик: — Анчадан бери бугунгидай амалий тарзда ўтган машғулотда қатнашмаган эдим. У ҳаммамиз учун фойдали бўлди. Концепцияни амалга ошириш жараёнидаги ўрнимиз, унга қўшадиган ҳиссамиз ҳақида кўпчиликнинг тасаввурини ойдинлашди. Бундай жонли ўқувлар кўпроқ бўлишини хоҳлар эдим.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Жавоб

# «Лоқайдлик оқибати»

■ Газетамизнинг 2010 йил 31 ноябрь сонидан ушбу сарлавҳа остида чоп этилган мақолада Ховос тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий шифохонада рўй берган воқеа — ҳомиладор аёл ўлими билан боғлиқ масала тўғрисида фикр-мулоҳаза юритилган эди. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мақола юзасидан берган жавобини газетамизнинг 2011 йил 4 январь сонидан эълон қилган эдик.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасидан жавоб хати олинди.

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан... «Лоқайдлик оқибати» номи мақола ўрганиб чиқилди.

Аниқлаштиришда, 2010 йил 21 июлда Ховос тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий шифохонанинг туғуруққа тайёрлаш бўлимига Ф.Мусаева ўлик ҳомиласини олдириб ташлаш учун қабул қилиниб, муолажалар бошланган вақтда ҳушини йўқотиб, вафот этган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ф.Мусаеванинг ўлими ҳолати бўйича

хизмат текшируви ўтказилиб, унда ўлимнинг ўзоқ муддат мобайнида бачадон ичи ҳомила тухуми ривожланмаслиги, бактериял токсик шок натижасида вуҷудга келганлиги, бу ўз навбатида ўткир нафас юрак қон томири етишмовчилигига олиб келганлиги қайд этилганлиги аниқланган.

Вилоят суд тиббиёт экспертизаси бюроси комиссиясининг 2011 йил 18 январдаги хулосасига кўра, Ф.Мусаеванинг ўлими 12-13 ҳафталик ҳомиласи бачадон ичида нобуд бўлиши, организмнинг инток-

сикация ҳолатида юзага келган токсик шок натижасида талваса синдроми ва ўткир нафас, юрак қон томири етишмовчилиги сабаб бўлганлиги, унга Ховос тумани тиббиёт бирлашмаси акушер-гинеколог Ф.Нуруллаева томонидан ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилмаганлиги аниқланган.

Юқоридаги ҳолатда Ховос тумани тиббиёт бирлашмаси акушер-гинеколог Ф.Нуруллаеванинг ҳаракатларидеда ЖКнинг 116-моддасида кўрсатилган жиноят аломатлари мавжудлиги аниқланган бўлса-

## Биоэтанол ишлаб чиқарилади

«Royal Dutch Shell» Англия-Голландия кўшма компанияси Бразилиянинг «Cosan» компанияси билан ҳамкорликда биоэтилни — этанол ишлаб чиқарувчи корхона очиш бўйича шартнома имзолади.



Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, «Raizen» йилга 2,2 миллиард литр (580 миллион галлон) этанол ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Жаҳон бозорига биоэтилни етказишда пешқадам — Бразилиянинг «Cosan» савдо ташкилоти этанол ишлаб чиқаришда энг нуфузли баланд компаниялардан биридир.

## Хорижда

### Яна бир қабила

Бразилия чангалзорларида яшаб келган ва шу пайтгача фанга номаълум бўлган яна бир қабила аниқланди.



Ҳозир мутахассислар бу қабиланинг келиб чиқиш тарихини ўрганоқда.

## Ҳарбий машғулот учун...

Аргентина ҳукумати АҚШга тааллуқли ҳарбий юк самолёти бортида гиёҳванд моддалар ва ноқонуний қурол-яроғ борлигини аниқлади ва уни мусодара қилди.



Буэнос Айрес аэропортига кўнган самолёт тартибга кўра махсус текширувдан ўтказилган. Маълум бўлишича, Аргентина федерал полицияси билан бирга аксилтеррор машғулотлар ўтказиш учун келган америкалик ҳарбий мутахассислар катта миқдордаги гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғларни олиб келишган. Маҳаллий ҳукумат мазкур ноқонуний хатти-ҳаракат юзасидан АҚШга мурожаат қилиб, масалага оидинлик киритишни талаб қилди. Қўшма Штатлар давлат департаменти эса бу машғулот ўтказиш учун кераклигини, шунингдек, уларни қайтариб бериш лозимлигини таъкидлади.

## Сомалида намоишчилар ўққа тутилди

Натижада уч киши қурбон бўлиб, ўн бир нафар фуқаро яраланди.



Мақур намоишчи Могадишо ҳокими бошчилигидаги намоишчилар қўлга олинди. Улар Сомалидаги каллақесар гуруҳларнинг зўравонлиқларига чек қўйилишини талаб қилиб, президент саройи олдида тинч намоиш уюштирди. Лекин қутилмаганда намоишчилар полиция томонидан ўққа тутилди.

## Зўравон ўқувчи қилмиши


АҚШнинг Аризона штатидаги мактабларнинг биринида отишма юз берди.

РАТА-ТАСС маълум қилишича, ўн беш ёшли бола мактабга яширинча қурол олиб келиб, ўз ўқитувчисига қарата ўқ узган. Бунга ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги келишмовчилик сабаб бўлган. Ёмон баҳо олган бола устозидан қасд олган. Маълумки, бундай аянчли воқеалар АҚШда тез-тез бўлиб туради.



# Озиқ-овқат мустақиллиги

давлатнинг мустақкам таянчи



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Сув тошқинлари, қурғоқчилик, тўфон ва табиий офатлар юз бериши инсон учун ҳаёт-мамат масаласи бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини керакли миқдорда етиштиришга ҳалакат бермоқда. Охир-оқибат қашшоқлик, очлик, оналар ва болалар ўлими, турли юқумли касалликлар тарқалиши каби муаммоларни бартараф этиш янада қийинлашмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотига кўра, ўтган асрнинг 90-йилларида дунё бўйича 850 миллион киши очликдан азият чеккан. Ҳозир бу кўрсаткич бир миллиарддан ошиб кетди. Дунё аҳолисининг 30 фоизи тўйиб овқат емайди. Энг ачинарлиси, ҳозирги кунда миллионлаб болалар бедаво касалликларга чалиниб, бевақт нобуд бўлмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири оналарнинг кўп ҳолларда тўйиб овқат емаслигидир.

Жаҳон озиқ-овқат ташкилоти табиий офат ва ҳалокатларда жабр кўрганлар, қонли тўқнашув ва моjarоларда азият чекканларга ёрдам қўлини чўзмоқда. Жумладан, ташкилот дастурига мувофиқ, Сомали, Ливан, Судан, Эфиопия ва Кения сингари мамлакатлар аҳолисини зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга йирик миқдорда молиявий кўмак берилди.

БМТ махсус ишлаб чиқилган дастур асосида Гаитида содир бўлган кучли зилзила, Покистондаги сув тошқинлари оқибатида жабр кўрганларга, шунингдек, Уганда, Чад, Либерия, Сьерра Леоне, Гвинея

давлатларида истиқомат қиладиган қашшоқ аҳолига гуруч, ун, болалар озуқаси, тоза ичимлик суви каби маҳсулотлар етказиб беришга сезиларли даражада ёрдам кўрсатди.

**Шуниси эътиборга лойиқки, табиий офатлар натижасида минглаб иншоотлар, ҳатто шаҳар ва қишлоқлар сув остида қолиб, мислсиз талафат кўрмоқда. Бу нафақат мамлакатлар иқтисодига, балки халқаро иқтисодий алоқаларга, умуман, жаҳон иқтисодига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни боис кўпдан-кўп йирик корхоналар «синиб», ишислар сонини тобора ошмоқда.**

Бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, айниқса, Африкада жиддий муаммога айланган. Китъадаги кўпчилик мамлакатлар озиқ-овқатни ташқаридан олиб келади. Лекин уларнинг ана шу мақсадлар учун ишлатиши мумкин бўлган миллий даромадлари йил сайин қисқариб бормоқда. Чунки, аҳоли сонини ўсиб бормоқда, аммо озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун маблағ етишмапти. Курғоқчилик ва тошқинлар вазиятини янада оғирлаштирмоқда.

Дунёдаги қашшоқ давлатлар сирасига кирувчи Чад, Сьерра-Леоне, Мозамбик, Зимбабве, шунингдек, Афғонистонда

ҳам вазият оғирлигича қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, бу давлатларда ўртача умр кўриш даражаси 36-37 ёшни ташкил этади. Айниқса, Чад ва Мозамбикда очликдан жабр кўраётганлар ва бошланасиз қолганлар эпидемия ва турли юқумли касалликлар тарқалиши оқибатида ҳаётдан эрта кўз юммоқда.

Маълумки, ҳар қандай давлатнинг иқтисодий қудрати, биринчи навбатда, озиқ-овқат ва бошқа муҳим стратегик маҳсулотлар билан ўзини ўзи қай даражада таъминлаши билан белгиланади. Қайси мамлакатда бу масала муваффақиятли ҳал қилинса, унда ижтимоий барқарорлик бўлади. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мамлакат хавфсизлигининг ажралмас қисми, мустақиллигининг асосий шартини ҳисобланади. Шу боис давлатлар озиқ-овқат таъминотини мустақамлашга ҳаракат қилади. Халқаро доирадаги турли сиёсий учрашув, анжуман ва конференцияларда ҳам озиқ-овқат хавфсизлиги асосий муаммо сифатида муҳоказма этилмоқда. Жумладан, «Катта сакизлик» («G8») етакчилари, «Кучли йитгирмалик» («G20») иштирокчилари ҳам дунё мамлакатлари қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, табиий офат ва ноқулай об-ҳаво шароити туфайли қишлоқ хўжалигига етказилган зарар ўрнини қоплаш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор бермоқда. Дунё давлатларининг қишлоқ хўжалиги тараққиётига бундай ёндашаётгани беҳиз эмас.

Сўнгги вақтларда айрим мамлакатларда галла экспортига нисбатан чекловларнинг қўлланилаётгани, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсири ва ноқулай об-ҳаво туфайли аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи янада чигаллашди. Баъзи давлатларда озиқ-овқат таъминотининг тўғри йўлга қўйилмагани сиёсий беқарорлик келтириб чиқарди. Оқибатда тартибсизлик ва галаёнлар содир бўлди. Катта миқдорда галла маҳсулотларини экспорт қилувчи давлатлар галла экспортига эмбарго жорий этиши халқаро бозорни беқарорлаштирди. Мамлакатимизда мустақиллигининг дастлабки кунларидан галла мустақиллиги учун беҳиз кураш бошланган эмас. Қишлоқ хўжалигининг тубдан ислоҳ қилиниши, фаллазорларнинг кенгайтирилиши, уруғ сифатининг яхшиланиши шунга олиб келдики, биз уч-тўрт йил ичида бугдояга бўлган эҳтиёжни қоплаб қолмай, хорижга дон экспорт қилиш салоҳиятига ҳам эга бўлдик. Бунда, айниқса, Президентимизнинг Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ва бошқа қарорлари муҳим аҳамият касб этаётди.

Мамлакатимизда аҳолини нафақат озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, балки уларнинг сифатини ошириш борасида ҳам улкан ишлар қилинапти. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибини инсон учун зарур ва фойдали микроэлементлар билан бойитиш, туғиш ёшидаги аёлларни витаминлар билан таъминлаш, урни бойитиш бўйича миллий дастур доирасида амалга оширилган ишлар, озиқ-овқат маҳсулотларини микронутриентлар (инсон организми учун зарур моддалар) билан бойитишнинг ҳуқуқий асослари мустақамлангани шулар жумласидандир. Бу чора-тадбирлар тиббиёт соҳасидаги ислохотлар билан уйғун олиб борилаётгани ижобий самара бермоқда.

Сўнгги йилларда аҳоли даромади ва фаровонлигини ошириш борасида муҳим натижага эришилди. Аҳолининг иш ҳақи ва даромадлари барқарор ошиб бормоқда, харид қобилияти муттасил ўсмоқда, фуқароларимиз истеъмол қиладиган маҳсулотлар тарки-

би ва сифати ортмоқда. **Оғир юқумли касалликлар тарқалишининг олди олинаётгани, қисқа давр ичида оналар ўлими даражаси икки баравар, болалар ўлими эса уч бараварга камайгани, Осиёда ўртача умр кўриш ёши 68 бўлгани ҳолда, юрти-мизда бу кўрсаткич 73 ёшга етгани ана шу эзгу ишлар мевасидир.**

**Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган мажлисида мамлакатимизда 2010 йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2009 йилга нисбатан 6,8 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 1,8 баравар ошганини алоҳида таъкидлади.**

Бугунги кунда, айниқса, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжалиқларининг ер участкаларини оптималлаштириш, пахта ва галланинг ҳарид нархларини ошириш бўйича амалга оширилаётган ислохот ишлар натижасида иқтисодиётимизнинг аграр тармоғида таркибий сифат ўзгаришлари юз бермоқда. Маърузада таъкидланганидек, ўтган йили мамлакатимизда пахта ва галла каби стратегик муҳим қишлоқ хўжалиги экинлари билан бирга, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандчилик ва балиқчилик соҳаларида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди. Ички бозорни сўт, гўшт, картошка ва сабзавот каби энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан янада бойитиш учун мустақкам замин яратилди. Яқинда мамлакатимизнинг 27 та туманининг қишлоқ хўжалиги мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилгани ҳам халқимиз дастурини тўқин-соҳиллигига хизмат қилади, албатта.

Дунёнинг кўплай мамлакатларида очлик ва қашшоқлик, етишмовчилик ҳўкм сураётган бир пайтда мана шундай ижобий натижаларга эришиш ўз-ўзидан бўлмади. Яхши ният, эзгу интилиш ва фидокорона меҳнат туфайли халқимиз турмуш фаровонлиги тобора юксалиб бормоқда.

Сўнгги йилларда аҳоли даромади ва фаровонлигини ошириш борасида муҳим натижага эришилди. Аҳолининг иш ҳақи ва даромадлари барқарор ошиб бормоқда, харид қобилияти муттасил ўсмоқда, фуқароларимиз истеъмол қиладиган маҳсулотлар тарки-

би ва сифати ортмоқда.

**Оғир юқумли касалликлар тарқалишининг олди олинаётгани, қисқа давр ичида оналар ўлими даражаси икки баравар, болалар ўлими эса уч бараварга камайгани, Осиёда ўртача умр кўриш ёши 68 бўлгани ҳолда, юрти-мизда бу кўрсаткич 73 ёшга етгани ана шу эзгу ишлар мевасидир.**

**Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган мажлисида мамлакатимизда 2010 йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2009 йилга нисбатан 6,8 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 1,8 баравар ошганини алоҳида таъкидлади.**

Бугунги кунда, айниқса, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжалиқларининг ер участкаларини оптималлаштириш, пахта ва галланинг ҳарид нархларини ошириш бўйича амалга оширилаётган ислохот ишлар натижасида иқтисодиётимизнинг аграр тармоғида таркибий сифат ўзгаришлари юз бермоқда. Маърузада таъкидланганидек, ўтган йили мамлакатимизда пахта ва галла каби стратегик муҳим қишлоқ хўжалиги экинлари билан бирга, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандчилик ва балиқчилик соҳаларида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди. Ички бозорни сўт, гўшт, картошка ва сабзавот каби энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан янада бойитиш учун мустақкам замин яратилди. Яқинда мамлакатимизнинг 27 та туманининг қишлоқ хўжалиги мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилгани ҳам халқимиз дастурини тўқин-соҳиллигига хизмат қилади, албатта.

Дунёнинг кўплай мамлакатларида очлик ва қашшоқлик, етишмовчилик ҳўкм сураётган бир пайтда мана шундай ижобий натижаларга эришиш ўз-ўзидан бўлмади. Яхши ният, эзгу интилиш ва фидокорона меҳнат туфайли халқимиз турмуш фаровонлиги тобора юксалиб бормоқда.

**Нурали ПАРДАЕВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими.**



## Пластик карточкали электр ҳисоблагичлар

таъминотчига ҳам, истеъмолчига ҳам қулайликдир

«Андижон ҳудудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти истеъмолчиларга электр энергияси етказишда қулайлик яратиш, тўловни такомиллаштириш мақсадида таъминотчиларга замонавий электр ҳисоблагич билан жиҳозланган жавонлар ўрнатапти.

Жамият жамоаси томонидан истеъмолчиларга қулай электр ҳисоблагич ўрнатилади, — дейди жамиятнинг электр ҳисоблагичларга хизмат кўрсатиш гуруҳи бошлиғи Баҳромиддин Сиддиқов. — Электр энергияси етказишдаги зўриқишлар камайиб, хонадонлар доимо чароғон. Бундан биз ҳам, аҳоли ҳам мамнун.

Акциядорлик жамияти «Электрон ҳисоблагич» Ўзбекистон — Хитой ҳамда «Электрон технолог» (Украина) кўшма корхоналари билан жами 101400 та замонавий пластик карточкали электр ҳисоблагич олиш тўғрисида шартнома тузилган.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ**

**«Азия-пласт-Олтинсой»** жаҳон бозорини кўзламоқда

«Олтинсой» туманидаги «Азия-пласт-Олтинсой» хусусий корхонаси 2006 йили ташкил топган.

Унда харидоригр ва замонавий елим қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айни кунларда 15 турдаги маҳсулот тайёрланмоқда. — Ўтган даврда Россиядан 24 минг АҚШ доллари қийматидаги технологиялар келтирилди, — дейди корхона раҳбари Муротали Абдуллаев. — Натижада иш ҳажми ортди. 20 нафар қишлоқ ёшлари янги иш ўринларига эга бўлишди.

қаролар йиғинлари ҳудудидаги хонадонларга шундай булган, турдошларига қараганда қатор афзалликларга эга «СТК-1» ва «DDSY-283» русумли 2850 та пластик карточкали электр ҳисоблагичларга хизмат кўрсатиш гуруҳи бошлиғи Баҳромиддин Сиддиқов. — Электр энергияси етказишдаги зўриқишлар камайиб, хонадонлар доимо чароғон. Бундан биз ҳам, аҳоли ҳам мамнун.

Акциядорлик жамияти «Электрон ҳисоблагич» Ўзбекистон — Хитой ҳамда «Электрон технолог» (Украина) кўшма корхоналари билан жами 101400 та замонавий пластик карточкали электр ҳисоблагич олиш тўғрисида шартнома тузилган.

**Абдумалик ХАЙДАРОВ**

**Кўргазмали анжуман**

Самарқанд вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан «Эл-холдинг» компаниясида ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими раҳбар ходимлари иштирокида амалий кўргазма бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимининг ўрта бўғин босқичи, ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқув юртлири моддий-техник базасини янада бойитиш, илмга чанқоқ ўқувчи-ёшларни пухта билим олишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш бугуннинг долзарб масалаларидан биридир.

Шу мақсадда ўтказилган тадбирда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни жиҳозлаш маҳсулотлари намойиш этилди. «Эл-холдинг» корхонасида ишлаб чиқарилаётган ўқув-кўргазма қуроллари, таълим муассасалари моддий-техника базасини мустақамлашда сифатли, замонавий ва бежирим жиҳозлар тадбир иштирокчилари эътиборини тортиди.

— Нархлари арзон, сифати хорижий давлатларда ишлаб чиқарилаётган жиҳозлардан қолшимайдиган маҳсулотларнинг янги авлодини кўргазма қилдик, — дейди Каттакўрғон транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежи директори Изатилла Курбанов. — Уйлаймизки, ёшларимизни соғлом ва баркамол, комил инсонлар қилиб вояга етказишда таълим даргоҳларининг жиҳозлари ҳам замон талабига мос бўлиши керак.

Анжуманда вилоят ҳокими Зоир Мирзаев иштирок этди.

**Шухрат ЭШБОЙ**

Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси жамоаси уюшма бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Мухаббат Шербўтаевага ўқаси

**Абдусаттор ШЕРБЎТАЕВИН** вафоти муносабати билан таъзия изохр этади.

## ЎзХДП электорат манфаати

# Фарғона: касаначилик ривожланмоқда

Мана, бир неча йилдирки, маҳалладошлари Нигорахон Ўринова хонадонини тез-тез йўқлайдиган бўлиб қолишган. Гап шундаки, Нигорахон кўли гул чевар. У тиккан либослар кўркам, чоки бақувват, ҳар бирида Нигорахон ўзи ўйлаб топган бетакрор бичим белгилари бўлади. Шунинг учун гоҳ у маҳалладан, гоҳ бошқа қишлоқдан келин либосини тиктиришга ахтариб келишади. Аслида номдор чевар шу тахлит ишини давом эттирса ҳам бўлаверарди. Аммо Бувайдадаги «Фирдавс» хусусий корхонаси ташкил этилган, у 10 нафар аёлни ёнига олиб, чеварликка ўргатди. Энди кийим-кечак қаторига парда, парёстик, турфа хил дастурхонлар ҳам тикадиган бўлишди. Энг муҳими, бу ишларни уйда ҳам бажариш мумкин. Чунки касаначилик шартномаси асосида фаолият кўрсатиш иш берувчи учун ҳам, маҳалла аёллари учун ҳам қулай...

— Касаначи мақоми уйда ишлаётган хотин-қизларни ижтимоий ҳимояга олиш, уларга имконият яратиб бериш эканини тушундик, — дейди Нигорахон Ўринова. — Ҳозир туман хунармандлар бирлашмасида 130, «Камола, Гулҳаё, Барака» хусусий корхонасида 23, «Чевар-Бувайда» кичик корхонасида 20 нафар касаначи меҳнат қилмоқда.

— Президентимизнинг Йирик санаот корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш тўғрисидаги фармо-

ни асосида вилоятда касаначиликни ташкил этиш бўйича доимий ишлайдиган комиссия тузилган. 2010 йили 390 та касаначи иш ўрни яратди, — дейди Фарғона вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бўлим мудири Мирзохид Дехқонов. — Бу борада, айниқса, «Кварц», «Кувасой цемент», «Маргилон Осиё текс», «Фарғона Азот», «Фарғона ёғ-мой», «Бағдод дон маҳсулотлари» каби ҳиссасдорлик жамиятларида, шунингдек, муқобил МТП корхоналарида ижобий натижага эришилди.

**Муҳаммадjon ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.**

Вилоятда касаначилик асосида яратилган янги иш ўринларида асосан тикувчилик, тўқувчилик, дурадгорлик, бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш, туну-касозлик, новвойчилик, электр двигателларини таъмирлаш, қулоччилик кенг йўлга қўйилмоқда.

Касаначилар томонидан ўтган йил давомида 137,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди.

Фармонда белгиланган имтиёзларнинг фойдаланиш ҳисоби-га вилоятда 1 миллиард 100 миллион сўмдан ортқ маблағ тежаб қолинди. Шуниси диққатга сазоворки, ишлаб чиқилган дастурдан ташқари, вилоят ҳокими ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ташаббуси билан фуқароларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида 13 та касаначиликка ихтисослашган кичик санаот корхонаси ташкил этилди. Ўзбекистон туманида «Камолот келажак ёғдуси», Бувайда туманида «Жаҳон Мирзо Шаҳзод», Фурқат туманида «Оби ҳаёт», Кўкун шаҳрида «Мадад интер класс» ва «Баркамол» каби хусусий корхоналар шулар жумласидандир. Уларда 546 та хунарманд касаначилик асосида меҳнат қилмоқда.

**Муҳаммадjon ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.**



Мулоҳаза учун мавзу

# Ким ўзарга тўй...

## ёки ортиқча дабдаба-ю, исрофгарчиликлар ҳақида

Тўй — бу қадрият. Унинг ўз тамойиллари, меъёрлари бор. Ундан чекиниш эса тўйдан кейин бўладиган асаббузарликларни келтириб чиқаради.

Юз, юз эллик килограмм гуручдан ош дамлашлар, қирқ-эллик тоғора тўла пишириқлар, бамисоли сувдай оқизилган спиртли ичимликлар, дастурхонда, столлар остида қолиб кетган бутун-ёрти нонлар, келинни олиб келиш чоғидаги ўн-ийгирмата енгил машиналар, гуруҳ-гуруҳ хонандалару, ўртада ҳаёсизларча муқом қилаётган ўйинчиларга қистир-қистирлар...

Хўш, тўйларимиздаги бу каби дабдабалар қачон ва қандай пайдо бўлди? Улар кимга ва нимага керак? Ёки тўй, тантаналаримизни ихчамгина ўтказасак, ёру дўстлар, қариндош-уруғлар билан чин дилдан суҳбатлашсак, айтишнинг бири бизни айблайдими? Аксинча, шу тўй, шу тантана учун сарфлайдиган маблағимизнинг тежалган қисмини ўғлимиз ёки қизимизга турмушда, мушакил ҳаётда оқсатадиган бирон-бир совға олиб берсак, уларнинг тўйдан кейинги ўқишлари, ишлари, изланишлари, интилишларини қўллаб-қувватлашга ишлатсак яхшироқ фойдалироқ бўлмайдими? Умуман, бугун тўйларимизни қандай ўтказганимиз маълум? Бу масалада амал қилишимиз шарт бўлган андоза, намуна, меъёр деган тушунчалар борми?

**Доноҳол УРОЛОВА,**  
Дўстлик туманидаги Янги-обод кишлоқ фуқаролар йиғини маслаҳатчиси:

— Минг йиллар давомида ўтказилиб келаётган тўй каби боқий ва бебаҳо қадриятларимизни ўзимиз қадрламаймиз, уларга билиб-билмасдан гарду ғубор юктириб қўямиз. Шундай бўлаётгани, йиллар давомида мисқоллаб топган-турганимиз, йиққан-терганимизни орзу-хавас дея бир кунда, бир неча соатлар ичида сарфлаб юбораямиз. Назаримда, бу ўринда одамларнинг ўзи айбдор. «Фалончидан қаерим кам?», «Керак бўлса пистончидан ўтказиб тўй қилман» қабилида иш туташлар оқибатида ҳеч кимга керакисиз, ҳаддан зиёд дабдабали тўй-

лар бўлапти. Менимча, бугун тўйларимизга 400-500 кишидан тақлиф этишнинг ҳеч бир зарурати йўқ. Бунинг ўрнига тўй яқин қариндош-уруғлар, дўсту биродарлар иштирокида файзли, ихчам ўтса қандай соз бўларди.

**Дилноза ЭГАМОВА,**  
Зарбдор туманидаги «Ирода» келин-куёв либос-лари саломи раҳбари:

— Ҳозир йиғирма уч ёшдаман. Тўй ҳақида кўнглимда тўпланиб қолган бир-икки гапларимни тенқурларимга айтишни истардим. «Фалончи фалон ресторанда тўй бериб-қувватлашга ишлатсак яхшироқ фойдалироқ бўлмайдими? Умуман, бугун тўйларимизни қандай ўтказганимиз маълум? Бу масалада амал қилишимиз шарт бўлган андоза, намуна, меъёр деган тушунчалар борми?»

**Баҳром СҮЮНОВ,**  
Мирзачўл туман тиббиёт бирлашмаси шифокори:

— Мен тўйларимиздаги ҳеч бир меъёрга тўғри келмайдиган, таъбир жоиз бўлса, қуюшқондан чиқиб кетаётган бир жиҳатга, яъни тўй дастурхонига спиртли ичимликларнинг ҳаддан зиёд кўп қўйилаётганига эътиборингизни қарат-

моқчиман. Ароққа «тўйиб» олган баъзи кимсалар оғизларини бодиб кириб, шоди чиқади. Бошқаларнинг гашига, иззат-нафисига тегади. Бу эса тўйнинг файзига пўтур етказди.

**Ўғилой КОМИЛОВА,**  
Жиззах шаҳридаги «Оққўрғонлик» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси:

— Баъзида аёлларимизнинг ҳам бу заҳри котилини ҳеч бир истиҳоласиз, эрақлар билан тенгма тенг «олишаётгани»ни кўриб ҳайратдан ёқа ушлаймиз. Улар ўзларининг аёллик шаъни, қадр-қимматини топдиётганларига ачинаб кетаман. Наҳотки, бу қилмишлари билан бошқалар у ёқда турсин, ҳатто ўз фарзандларига ҳам «ўрناق» бўлаётганини тушуниб етмас. Ахир, ёшларни бу ёмон иллатдан қайтариш, уларга ичкиликнинг салбий оқибатларини тушунтириш энг, аввало, биз аёлларнинг, она-ларнинг бурчи, вазифаси-ку!

**Тошпўлат ОМОНОВ,**  
Пахтакор туманидаги кишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқоли:

— Енглар, ичинглар, лекин исроф қилманглар, деган ҳикматли гапни кўпчилигимиз эшитганмиз. Афсуски, аксарият ҳолларда ўзимиз бунга амал қилмайми. Яширишга не ҳолат: дош-қозонларда дамланган ошининг ярми қолиб кетади, 800-1000 та ноннинг 300-400 таси ортиб қолади. Дастурхонда сочилиб, бир қисми ерга тўкилиб ётган мевачевалар, турли хил пиширилган қўндоқлар ҳам бўлади. Ахир, эрта бир кун буларнинг увули тутмасмикан? Яқинда бир тўйда бўлдим. Ногоҳ чет-



роқдаги столда ўтирган ароқдан кўпроқ «отиб» қўйган йиғилар ўртасида жанжал чиқди. Тўй тўйда қолиб ҳамма ўша томонга қаради. Энди авжига чиққан тўй бир неча сониялар ичида совуб улгурди...

Маълумки, ҳар жойда тўй ҳар хил ўтади. Масалан, Жиззах вилоятининг Баҳмал, Зомин, Ғаллаорол туманларида кўпқирли тўйлар русум бўлаётти. Бундан ташқари, узокдан келган меҳмонларга бир кишиникида кўноқ бериш, яъни тўй бошлангунча ва тўйдан кейин ҳордиқ чиқариш учун шарт-шароит яратиш одати ҳам бор.

Буларнинг ҳаммаси яхши, ибратли. Аммо Фориш томонда ўтган бир тўйдаги фаройиб ҳолатни кўриб, очиги, ҳайрон қолдим. Унда меҳмонлар тўйга келувчи меҳмонларни, билмадим, насл-насабига ёки бой-лигию, мансабига қарабми, ҳартигул, бўлиб-бўлиб, ажратиб-ажратиб ўтказишаётганди. Шу тариқа бировларга чеккадаги тўкс дастурхонли «кабина» деб аталувчи хос хоналардан, бошқаларга эса умумий даврандан ўрин бериларди. Тўғри, одамларни бундай гуруҳларга, табақаларга ажратиб кўпларга оғир ботди.

Ҳа, энди тўй-тўйда, уни биров ундай, биров бундай ўтказди, дерсиз. Бу фикрингизга ҳам қўшилмасликнинг иложи йўқ. Аммо, тўкинлик, тинчлик ва осойишталик, фаровонликнинг белгиси бўлган элга дастурхон эзиш, юртга ош беришда ҳам меъёр бўлиши зарурлигини, бунда эзгу ният билан узоқ-яқиндан келган меҳмонларга бир хилда иззат-икром кўрсатиш кераклигини унутмайлик, дейманда. Яна ким билади, дейсиз?

Дарвоқе, бу ҳақда Сизнинг фикрингиз қандай?  
**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ**

## Чирой очаётган Учқудуқ

Биргина ўтган йилнинг ўзида Учқудуққа қатор янги иншоот — бири-бирдан чиройли турар-жой бинолари, болалар спорт мажмуи, умумтаълим мактаби ва болалар боғчаси қад ростлади.

360 ўринли уй-жой коммунал хўжалиги, «Шалқар» қўрғонидagi 160 ўринли янги мактаб, «Билтов» ва «Олтинтов» овулларидаги кишлоқ врачлик пунктлари, шаҳар марказидаги «Горняк» савдо мажмуи шулар жумласидандир. Бугун Учқудуқ шаҳрини «Навоий — Учқудуқ — Султон Увайистог — Нукус» темир йўли, «Навоий — Зарафшон — Учқудуқ» автомобиль йўли Нукус, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент билан узвий боғлаб турибди.

— Шаҳримиз янги асрнинг дастлабки ўн йилда чин маънода бунёдкорлик майдонига айланди, — дейди туман ҳокими, халқ депутатлари Навоий вилоят кенгаши депутати Маҳмуджон Ёрматов. — Шаҳар марказида дехқон бозори, 30 дан ортиқ растанда иборат савдо мажмуи, 100 ўринли поликлиника, 110 нафар беморга хизмат кўрсатувчи замонавий шифохона куриб фойдаланишга топширилди.

Учқудуқ нимаси билан бошқа шаҳарларимиздан ажралиб туради? Бу ерда асосан қончилар яшайди. Энг муҳими, улар оғир синовларда чиниққан, файрат-шижоатли кишилардир. Шу билан бирга, шаҳарда меҳнатсевдлик, ёғоч ўймакорлиги, мраморсозлик каби соҳалар ҳам ривож топмоқда. Кейинги икки йилда шу ҳисобдан 2 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилда бу ишлар янада ривож топиши аниқ.

**Музаффар ШАРОПОВ,**  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

## Болалар спорти

### Ёш гимнастикачилар сафи кенгаймоқда



Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли Нукус шаҳар 4-болалар ва ўсмирлар спорт мактабидagi гимнастика тўғраги аъзолари сафи тобора кенгаймоқда.

Ушбу тўғарақда ҳозир 520 ўғил-қиз спорт гимнастикаси ва бадий гимнастика бўйича маҳоратини ошироқда. Уларга малакали 13 нафар мураббий сабоқ бераётир.

Мактаб директори Жамбул Утемовнинг айтишича, қизлар ўртасида, айниқса, бадий гимнастикага қизиқиш катта. Бу ерда спортчи ёшлар учун

барча шароит яратилган. Мактаб тарбияланувчилари спорт гимнастикаси ва бадий гимнастика бўйича нуфуз-ли мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаб келаётир. Ёшларнинг интилувчанлиги, мураббийларнинг фидойилигидан кўриниб турибдики, бу даргоҳдан яқин келажакда кўлаб спорт юлдузлари етишиб чиқади.

## Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

### Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

қўйидаги объектни таъмирлаш бўйича пудратчи ташкилотни таълаш юзасидан очиқ танлов савдоси ўтказилиши эълон қилади:

**Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри Тараққиёт кўчасида жойлашган вилоят прокуратурасининг 3 қаватли маъмурий биносини капитал таъмирлаш.**

**Объектнинг бошланғич нархи:**

қўшилган қиймат солиғисиз — 856,634 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 713,861 млн. сўм, қурилиш муддати — 4 ой.  
**Буюртмачи:** Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Манзили:** Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.  
**Тел/факс:** (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

**Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш** — Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Танлов савдосида қатнашиш учун талабдорлар қўйидаги шартларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридagi айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатнома, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тахрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қўйидаги нарх преференциялари кўзда тутилди: танлов иштирокчиларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлиф-

ларида четдан (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшимча ҳисоблаган ҳолда баҳоланади. Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектурилиш» кўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қўйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

**Термиз шаҳри, Амир Темури кўчаси, 69-уй, телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 100 000 сўм. Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очишлиши куни ва соати.

Тақлифлар (оферталар) очишлиши эълон матбуотда чоп этилганда бошлаб 30 кундан кейин қўйидаги манзилда: **Термиз шаҳри, Амир Темури кўчаси, 69-уйда** ўтказилади.

Тошкент давлат санъат олийгоҳи томонидан 2004 йил 30 июнь кунин Арслон Қаҳороров номига берилган В 110890 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

#### БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2003 йилда «O'TROB» хусусий корхонасига тегишли № 599 рақамли мулк ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли

#### БЕКОР ҚИЛИНАДИ

### ОБ-ҲАВО 17-18.02. 2011

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	☁ 10°C	☁ 12°C
Самарқанд	☁ 10°C	☁ 15°C
Нукус	☁ -3°C	☁ 2°C
Қарши	☁ 10°C	☁ 15°C
Урганч	☁ -3°C	☁ 2°C
Навоий	☁ 5°C	☁ 10°C
Фарғона	☁ 7°C	☁ 17°C
Бухоро	☁ 5°C	☁ 10°C
Андижон	☁ 7°C	☁ 12°C
Наманган	☁ 7°C	☁ 12°C
Термиз	☁ 10°C	☁ 15°C
Жиззах	☁ 10°C	☁ 15°C
Гулистон	☁ 10°C	☁ 15°C
Тошкент вил.	☁ 10°C	☁ 15°C
Лондон	☁ 5°C	☁ 3°C
Париж	☁ 4°C	☁ 2°C
Москва	☁ -24°C	☁ -25°C
Мадрид	☁ 3°C	☁ 5°C
Пекин	☁ -6°C	☁ -3°C
Гонгконг	☁ 14°C	☁ 15°C
Рим	☁ 7°C	☁ 6°C
Анкара	☁ -3°C	☁ 2°C
Токио	☁ 5°C	☁ 4°C
Стокгольм	☁ -11°C	☁ -9°C
Кейптаун	☁ 17°C	☁ 20°C
Қоҳира	☁ 9°C	☁ 7°C
Гавана	☁ 17°C	☁ 15°C
Вашингтон	☁ 4°C	☁ 5°C

**MUASSIS:**  
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

#### TAHRIR HAY'ATI:

- |                      |                             |                       |
|----------------------|-----------------------------|-----------------------|
| Abdulla ORIPOV       | Ulug'bek MUSTAFOYEV         | Musihiddin MUHIDDINOV |
| Latif G'ULOMOV       | Tat'yana KISTANOVA          | Andrey KUSTOV         |
| Bobir ALIMOV         | (Bosh muharrir o'rinbosari) | Sharbat ABDULLAYEVA   |
| Sharbat ABDULLAYEVA  | G'afur HOTAMOV              | Ochilboy RAMATOV      |
| Murodulla ABDULLAYEV | (Bosh muharrir o'rinbosari) | Saidahmad RAHIMOV     |

#### BO'LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kотиbiyat — 233-72-83, 236-55-17.

#### MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

\*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 249

t — Tijorat materiallari

20013 O'zA yakuni — 20.45

nusxada bosildi. Topshirilgan vaqti — 21.45

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Dilshod NARZULLAYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5